



ISSN 2091-5187

СЕРВИС

№3

ИЛМИЙ-АМАЛИЙ
ЖУРНАЛ

2025



СЕРВИС

ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ЖУРНАЛ 2025 йил, 3-сони

Муассис: Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 2008 йил 31 декабрда
0561-рақам билан рўйхатга олинган.

ЎзР ОАК Риёсатининг 19.03.2017 й., 239/5-сонли қарори билан эътироф этилган

**Тахририят ижодий
жамоаси:**

Бош муҳаррир:

и.ф.д., проф. М.Э.Пўлатов

Бош муҳаррир

ўринбосари:

и.ф.н., проф. Д.Х.Асланова

Масъул котиб:

и.ф.д., проф. М.Қ.Пардаев

Муҳаррирлар:

и.ф.д., доцент Ф.А.Сафаров

PhD, доцент И.М.Пардаева

PhD, И.Ш.Эрназарова

Техник муҳаррир:

и.ф.н., проф. А.Н.Холиқулов

Корректор:

PhD, доц. С.А.Бабаназарова

Саҳифаловчи:

PhD Х.Н.Очилова

1 йилда 4 маротаба
чоп этилади.

**Ўзбекистон худудида
тарқатилади.**

Тахририят манзили:

140100, Самарқанд шаҳар,
Амир Темур кўчаси, 9-уй,

тел.: +998(66)233-28-38,
+998(97)913-74-40

факс: +998(366)231-12-53
эл.почта:

samisiservis@mail.ru

Тахририят кенгаши раиси:

М.Э.Пўлатов – Самарқанд иқтисодиёт ва сервис
институти ректори, и.ф.д., профессор

Тахририят кенгаши раиси ўринбосари:

Д.Х.Асланова – СамИСИ илмий ишлар ва
инновациялар бўйича проректори, и.ф.н., профессор

Тахрир кенгаши аъзолари:

Б.А.Бегалов – Ўзбекистон Республикаси Президенти
хузуридаги Статистика агентлиги директори, и.ф.д.,
профессор

М.Қ.Пардаев – СамИСИ профессори, и.ф.д.

Б.К.Ғоибназаров – и.ф.д., профессор.

М.М.Мухаммедов – СамИСИ профессори, и.ф.д.

Д.Р.Зайналов – СамИСИ профессори, и.ф.д.

О.М.Муртазаев – ТДИУ СФ директори, и.ф.д., проф.

М.Р.Болтабаев – ТДИУ профессори, и.ф.д.

Р.Х.Эргашев – ҚарМИИ профессори, и.ф.д.

И.С.Тўхлиев – СамИСИ профессори, и.ф.д.

К.Б.Уразов – СамИСИ профессори, и.ф.д.

Қ.Ж.Мирзаев – СамИСИ профессори, и.ф.д.

Б.И.Исроилов – ТДИУ профессори, и.ф.д.

Г.М.Шодиева – СамИСИ профессори, и.ф.д.

Б.Абдукаримов – СамИСИ профессори, и.ф.н.

Р.Қобилов – Самарқанд вилояти ҳокими ўринбосари

С.Н.Тошназаров – СамИСИ профессори, и.ф.д.

Р.Н.Нормахматов – СамИСИ профессори, т.ф.д.

А.Бектемиров – СамИСИ профессори, и.ф.д.

О.М.Пардаев – СамИСИ профессори, и.ф.д.

М.Т.Алимова – СамИСИ профессори, и.ф.д.

З.Дж. Адилова – ТДИУ профессори, и.ф.д.

Ш.О.Қувондиқов – СамИСИ профессори в.б., иқтисод
фанлари доктори

Л.Н.Халикова – СамИСИ профессори, DSc

Ф.А.Сафаров – СамИСИ доценти, DSc

А.М.Каримова – СамИСИ профессори в.б., DSc

И.Б.Маттиев – СамИСИ профессори, DSc

МУНДАРИЖА:

| НАЗАРИЯ ВА МЕТОДОЛОГИЯ | |
|--|----|
| Мамаюнус Қаршибаевич Пардаев, Озода Мамаюнусова Пардаева, Севара Абдуназаровна Бабаназарова Инсон ресурсларидан самарали фойдаланишнинг концептуал йўналишлари | 5 |
| Раъно Суннатхоновна Умарова Давлат фуқаролик хизматчиларининг малакасини оширишга бўлган замонавий ёндашувлар | 10 |
| ИННОВАЦИЯ ВА РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТ | |
| Berdiyar Yangiboyevich Yangiboyev Sun'iy intellekt texnologiyalaridan milliy iqtisodiyotda foydalanishning ayrim jihatlari | 18 |
| Тўлқин Шокирович Эргашев Инновацион тадбиркорлик фаолияти билан кадрлар тайёрлаш менежменти ўртасидаги иқтисодий алоқадорликнинг намоён бўлиш хусусиятлари | 21 |
| Munavvar Sur'at qizi Xusniddinova Turizmدا raqamli texnologiyalardan foydalanish: jahon tajribasi va o'zbekiston uchun xulosalar | 26 |
| Тимур Ибодуллаевич Ибрагимов Интеграция вузов и предприятий в инновационном развитии экономики | 32 |
| САНОАТ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ | |
| Рузбой Нормухаматов, Акрам Джуракулович Гафуров, Ирода Болиева Флавоноидлар ва инсон саломатлиги | 36 |
| Botir Khayat Muradov, Olimjon Komiljonovich Muratkulov Problems and solutions to the prospects for the transition of mining enterprises to a green economy on the example of the coal industry | 39 |
| Рузбой Нормухаматов, Акрам Джуракулович Гафуров, Суннат Бозоров Озуқабоп тоғлар ва соғлом овқатланиш | 42 |
| ТАДБИРКОРЛИК, МЕХНАТ, БАНДЛИК ВА КАМБАҒАЛЛИКНИ ҚИСҚАРТИРИШ | |
| Shuhrat Marufjonovich Islomov, Avazbek Sa'dullayevich Qarshiyev Mehnat bozorida o'zgarishlarning o'rtacha ish haqiga ta'siri va uning tahlili | 45 |
| Maftuna Shavkatovna Xudayarova Aholining tadbirkorlik faolligini baholashning hududiy yondashuvi | 50 |
| Murodbek Dusmurot o'g'li Usmonov Qishloq joylarida aholi bandligini oshirish orqali kambag'allikni qisqartirish yo'llari | 57 |
| ХИЗМАТ КЎРСАТИШ ВА СЕРВИС | |
| Дилбар Хасановна Асланова, Тимур Ибодуллаевич Ибрагимов Анализ предложения на рынке услуг высшего образования и тенденции его развития | 61 |
| Обид Мамаюнусович Пардаев Юқори технологик хизматларнинг назарий масалалари ва уларнинг коммунал хизматлар соҳасида қўлланилиши | 64 |

9. Б.Х. Мурадов, М. Икрамов. Sanaot korxonalarini ishlab chiqarish jarayonlarini avtomatlashtirish va yer va suv resurslaridan foydalanishning iqtisodiy samaradorligi oshirish yo'llari. Buxoro 2023/12/5. “Toshkent irrigatsiya va qishloq xo'jaligini mexanizatsiyalash muhandislari instituti” Milliy tadqiqot universiteti Buxoro tabiiy resurslarni boshqarish instituti. Tom 1. 267-271 starниц. https://scholar.google.com/citations?view_op=view_citation&hl=ru&user=Rblwq-kAAAAJ&citation_for_view=Rblwq-kAAAAJ:ZeXyd9-uunAC

| | |
|---|--|
| <p style="text-align: center;">В.Муратов, О.Мураткулов</p> <p style="text-align: center;">Тог‘-кон sanoati korxonalarining yashil iqtisodiyotga o‘tish istiqbollari muammolari va yechimlari ko‘mir sanoati misolida</p> <p>Аннотация. Ushbu maqolada tog‘-кон sanoati va energetika sektori, shuningdek ko‘mir sanoatining ahamiyati va ularning dunyodagi ahamiyati nazariy jihatdan tushuntiriladi. Maqolada, shuningdek, ko‘mir sanoatining kelajakdagi rivojlanishi va sanoatni rivojlantirish uchun innovatsion texnologiyalarni joriy etishni tashkil etish va iqtisodiy asosni oshirish usullari tahlil qilingan. Sanoatni rivojlantirishning amaliy muammolari va korxonalariga innovatsion yondashuvlar hamda korxonalarining faoliyatiga ta’sir etuvchi omillar prognoz tahlili va analiz ko‘rsatkichlarning sxematik natijalari shaklida taqdim etiladi.</p> <p>Калит so‘zlar: tog‘-кон sanoati, iqtisodiyot, ko‘mir, korxonalar, innovatsiya, tahlil qilish va prognoz, analiz qilish, sanoat, energetika.</p> | <p style="text-align: center;">Б.Мурадов, О. Мураткулов</p> <p style="text-align: center;">Перспективы, проблемы и решения перехода предприятий горнодобывающей промышленности к зеленой экономике на примере угольной отрасли</p> <p>Аннотация. В данной статье теоретически объясняется значение энергетического сектора, а также угольной промышленности и их значение в мире. В статье также анализируются методы организации внедрения инновационных технологий и повышения экономической базы для будущего развития угольной промышленности и развития отрасли. Практические проблемы развития промышленности и инновационные подходы к предприятиям, а также факторы, влияющие на деятельность предприятий, представлены в виде прогнозного анализа и схематических результатов показателей анализа.</p> <p>Ключевые слова: горнодобывающая промышленность, экономика, уголь, предприятия, инновации, анализ и прогнозирование, анализ, промышленность, энергетика.</p> |
|---|--|

Рузибой Нормухоматов – СамИСИ профессори, т.ф.д.,
Акрам Джуракулович Гафуров – СамИСИ катта ўқитувчиси,
Суннат Бозоров – СамИСИ, 4-босқич талабаси

ОЗУҚАБОП ТОЛАЛАР ВА СОҒЛОМ ОВҚАТЛАНИШ

| |
|--|
| <p>Аннотация. Мақолада озуқабоп толаларнинг инсон организмидаги аҳамияти, озиқ-овқат маҳсулотларида тарқалганлиги, озиқ-овқат толаларнинг қимматлилиги, айнан уларнинг инсон ошқозон – ичак трактида ҳазм бўлмаслиги масалалари ёритилган, шунингдек ҳар бир инсон ўз рационада бу муҳим моддаларнинг бўлишига эришиши бўйича муаллифлар ўз таклифларини беради.</p> <p>Калит сўзлар: озуқабоп толалар, клетчатка, гемицеллюлоза, полисахарид, ўсимлик толалари, лигнин.</p> |
|--|

Кириш. “Кодекс Алиментариус” ёки бошқача айтганда “Озиқ-овқат кодекси” комиссияси томонидан 2009 йилда қабул қилинган тушунча бўйича озуқабоп толалар - бу уч ёки ундан ортиқ мономер бирикмалардан ташкил топган истеъмол қилиниши мумкин бўлган углеводлар полимери бўлиб, овқат ҳазм қилиш эндоген ферментларига барқарор ҳисобланади. Шу сабабли улар ферментлар таъсирида гидролизга учрамайди ва ичакда сўрилмайди. Умуман олганда, бу бирикмалар ўсимликлар дунёсига хос полисахаридлар ҳисобланади.

Кўп йиллар давомида озуқабоп толаларга инсон организмида ҳазм бўлмайдиган мураккаб углеводлар сифатида қараб, гўёки улар инсон ҳаётида ҳеч қандай муҳим роль уйнамайди деган фикр ҳукмронлик қилиб келган. Сўнги йилларда бажарилган кўпсонли илмий – тадқиқот ишлари натижалари эса, юқорида келтирилган фикрларни тасдиқламайди.

Бугунги кунда озиқ – овқат толаларнинг қимматлилиги, айнан уларнинг инсон ошқозон – ичак трактида ҳазм бўлмаслигида деб тушунтирилади. Озуқабоп толалар

номининг синонимлари “Балласт моддалари”, “Ҳазм бўлмайдиган углеводлар”, “Клетчатка”, “Ўсимлик моддалари” кабилар ҳисобланади.

Озуқабоп моддаларнинг ана шу атамалари бугунги кунгача ҳам оммабоп илмий адабиётларда учраб туради. Овқатланиш ҳақидаги фан ва бу моддаларнинг кимёвий структураси нуктаи назаридан қаралса энг тўғри атама “Озуқабоп тола” атамаси ҳисобланади (1,2).

Озуқабоп моддалар – бу мураккаб углеводлар комплекси ҳисобланиб, унга клетчатка (целлюлоза), гемицеллюлоза, хитозан, пектин моддалари, камедлар, лигнин ва бошқалар киради (3,4).

Мавзуга оид адабиётлар таҳлиliga кўра озуқабоп толаларнинг асосий манбаи ўсимликлар дунёси ҳисобланади. Маълумки, ўсимликлар дунёсига хос озиқ-овқат маҳсулотлари орасида мева ва сабзавотларнинг аҳамияти бекиёсдир. Шу сабабли меваларнинг кимёвий таркиби, шифобахшлик хусусиятларини тадқиқ қилиш борасида бир қатор илмий - тадқиқот ишлари бажарилган. Уларнинг асосийларига академик М.Мирзаев номидаги Ўзбекистон боғдорчилик, узумчилик ва виночилик илмий – тадқиқот институти илмий ходимлари, шунингдек собиқ Самарқанд кооператив институти “Озиқ – овқат товаршунослиги” кафедраси профессор- ўқитувчилари З.В. Коробкина, А.В. Нацвин, Г.М. Кругляков, С.Б. Муродова, В.С. Капул, М.Ҳ.Абдинова, Р.Нормахматовлар ҳисобланади.

Бу борада фаолият олиб борган Россиялик олимлар М.А. Николаева, М.Н. Журавлёва, А.А. Колесник, Ф.В. Церевентинов, В.Т. Сперанский, А.В. Троян, Л.Т. Елизарова, А.Ф. Джафаров, Л.В. Метлицкий, Б.П.Плешков ва бошқалар ҳисобланади.

Тадқиқот методологияси. Мақолада иқтисодий - статистик таҳлил, мантиқий таҳлил, кузатиш, умумлаштириш каби усуллардан фойдаланилди.

Таҳлил ва натижалар. Озуқабоп толаларнинг муҳим аҳамиятларидан бири шундаки, улар ошқозонни тўлдириб, инсоннинг овқатдан тўйганлигини ҳис қилишга, шунингдек ошқозон шарбатининг ажралиб чиқишига ёрдам беради, бу эса овқатнинг яхши ҳазм бўлишини таъминлайди. Озуқабоп толалар инсоннинг жигари, ўт пуфаги, ошқозон ости беши, ошқозоннинг нормал фаолиятини таъминлаб, организмдан модда алмашинуви жараёнида ҳосил бўлган моддаларнинг (холестерин), шунингдек организмга овқат ва сув орқали келиб тушадиган ҳар хил захарли ингридиентларни (симоб, сурма, кўрғошин, қалай, кадмий, радиактив элементлар ва бошқалар) чиқариб юборишга катта ёрдам кўрсатади.

Бундан ташқари озуқабоп толалар ошқозонда бўладиган фойдали микроорганизмларнинг ривожланиши учун ўзига хос “емиш” ҳисобланади. Шу сабабли ҳам озуқабоп толалар ошқозон микрофлорасининг керакли таркибда бўлишини таъминлайди. Бу эса инсон иммун тизимини шаклланишига ва баъзи бир витаминларнинг синтезига ижобий таъсир кўрсатади.

Озуқабоп толаларнинг инсон соғлигини сақлашдаги роли тўғрисида фикр юритганда, авваламбор уларнинг йўғон ичакни саратон касаллигидан сақлаш хоссасига эга эканлиги эсланади. Дастлаб бундай ўзаро алоқанинг мавжудлиги, кўпчилик Африка мамлакатлари аҳолисининг рационининг озуқабоп толаларга ва витаминларга бой бўлмаганлиги учун уларда ошқозон саратони касаллигининг учраши ҳолати ҳам тасдиқлайди.

Инсоният озиқ-овқат маҳсулотларини ҳазм бўлмайдиган озуқабоп толалардан ҳалос этиш асосида оппоқ ун, гуруч, шакар каби маҳсулотлар олишга эришган. Бунинг натижаси эса, ҳалокатли бўлган дейишимиз мумкин. Бунга қўйидаги воқеа ҳам мисол бўла олади. Биринчи жаҳон уруши даврида немисларнинг тезюар ҳарбий кемасининг командаси Атлантика океани сувларида катта муваффақият билан қароқчилик қилганлар. Улар немис флотининг кучли, ёш, яхши ўргатилган тажрибали денгизчилари бўлган. Улар бошқа кемаларни босқинчилик билан қўлга олиб, бу кемалардаги тозаланган маҳсулотларни - қанд, ун, шакар каби озиқ-овқат маҳсулотларини қўлга киритишган. Натижада бундай тозаланган озиқ-овқат маҳсулотларини саккиз ой давомида истеъмол қилгандан кейин уларнинг кўпчилиги ўз функцияларини бажара олмаганлар. Натижада Редер кемаси Нью – Йоркнинг нейтрал сувларига кириб таслим бўлганлар.

Бу келтирилган мисоллар озуқа толалари инсон организмда ҳазм бўлмасида,

инсон саломатлиги учун қанчалик аҳамиятга эга эканлигидан далолат беради.

Тадқиқот натижалари шундан далолат берадики, ер шари аҳолисининг кўпчилигининг рациониди озуқа толаларининг миқдори 20 г дан камроғини ташкил этар экан. Шундан 8 - 10 граммга яқини нон ва дон маҳсулотлари ҳисобига, 2-3 граммга яқини картошка ҳисобига, 5-6 грамма сабзавотлар, 1-2 грамма эса мевалар ва резавор мевалар ҳисобига тўғри келар экан.

Озуқабоп толаларнинг озиқ-овқат истеъмолида бундан кам даражада бўлиши кўпчилик касалликларнинг ортишига сабаб бўлади.

БМТнинг Бутун дунё соғлиқни сақлаш ташкилоти (ВОЗ) бир суткада 25 г дан кам бўлмаган миқдорда озуқабоп толалари истеъмол қилишни тавсия этади. Шу сабабли соғлиқига бефарқ бўлмаган ҳар бир инсон озуқабоп толаларнинг асосий манбаи қайси озиқ-овқат маҳсулотлари ва хомашёлари эканлигини билиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Шуни алоҳида қайд этиш лозимки, озуқа толалари фақат ўсимлик маҳсулотлари таркибиди учрайди. Ҳайвонот маҳсулотлари таркибиди озуқа толалари деярли мавжуд эмас.

Озуқабоп толаларга бой маҳсулотлар турига, уннинг паст навидан тайёрланган нон маҳсулотлари, ун кепаги, дуккакли донлар, гречиха, арпа ёрмалари, қора самородина, лавлаги, ёнғоқлар (ерёнғоқи, бодом, pista), карам, сабзи ва мевалар ҳисобланади.

Хулоса ва таклифлар. Хулоса қилиб айтганда, ҳар бир инсон ўз рациониди озуқабоп толаларнинг тавсия этилган меъёр даражасиди бўлишини таъминлаши соғлиқни сақлашнинг муҳим омили эканлигини тушуниб этиши мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Бу борада қуйидаги тавсияларга амал қилиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

1. Ҳар бир инсон ўз рационига бефарқ бўлмасдан, рациониди доимий равишда витаминлар, макро _ ва микроэлементлар, шунингдек озуқабоп толалари бўлишини таъминлаши зарур.

2. Ҳар бир инсон овқат рациониди суткада ўсимлик маҳсулотларининг ҳиссаси 400 г ни ташкил этишини таъминлаши керак.

3. Ҳар бир инсон ўз рациониди оксил, ёғ, углеводларнинг нисбати (1:1:4) оптимал бўлишига эришиши мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

4. Ҳар бир истеъмолчи озиқ-овқат маҳсулотлари истеъмоли орқали оладиган энергияси, бажараётган ишига асосланган энергия сарфига мос келишини таъминлаши соғлиқни сақлашнинг муҳим омилидан бири эканлигини билиши зарур.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Байгарин Э.К. Изучение содержания пищевых волокон в отечественных пищевых продуктах и их влияние на усвояемость микронутриентов: автореферат. Дис. канд.мед наук. М.,2012, с 24.
2. Барановский А.Ю. Руководство по диетологии. СПб, 2001, с. 3-4.
3. Брановец И.Н., Сакович М.Н. Роль пищевых волокон в питании, профилактике и лечении некоторых заболеваний. Минск, 1989, с. 35.
4. Шайхова Г. Овқатланиш сабоқлари. Тошкент, “Ўзбекистон”, 2015, 61 б.

| | |
|--|---|
| <p>Р.Нормакматов, А.Гафуров, С.Бозоров Пищевые волокна и здоровое питание Аннотация. В статье рассматривается значение пищевых волокон в организме человека, их распределение в продуктах питания, ценность пищевых волокон, их неперевариваемость в желудочно-кишечном тракте человека, а также авторы дают свои предложения о том, как каждый человек может добиться присутствия этих важных веществ в своем рационе. Ключевые слова: пищевые волокна, клетчатка, гемицеллюлоза, полисахарид, растительные волокна, лигнин.</p> | <p>R.Normakhmatov, A.Gafurov, S.Bozorov Dietary fiber and healthy eating Abstract. The article discusses the importance of dietary fiber in the human body, its distribution in food products, the value of dietary fiber, its indigestibility in the human gastrointestinal tract, and the authors also give their suggestions on how each person can achieve the presence of these important substances in their diet. Keywords: dietary fiber, fiber, hemicellulose, polysaccharide, plant fiber, lignin.</p> |
|--|---|

ISSN 2091-5187

☞ “СЕРВИС” ☞

Журнал Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти таҳририят
бўлимида нашрга тайёрланди.

10.09.2025 йилда теришга берилди. 26.09.2025 йилда босишга рухсат этилди.
Офсет босма қоғози. Қоғоз бичими 60x84 $\frac{1}{8}$. “Times” гарнитураси. Офсет
босма усули. Шартли босма табағи 14,6. Ҳисоб-нашриёт
табағи 13,75. Адади 100 нусха. Буюртма № 0054А/25

Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институтининг
матбаа бўлимида чоп этилди.
Лицензия № 025316.
Реестр № Х-119112.

Манзил: Самарқанд шаҳри, Шохрух кўчаси, 60-уй.

© Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти, 2025.